



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Касаба уюшмалари — фахрийларга

Вақт ўтаверади, зеро, бизни ширин хотиралар билан эслатишга арзигулик ишларгина бу омонат оламдаги энг асосий юмушларимиздир. Инсонга наф келтиришни аъмолига айлантган, шу шарафдан бахт топаётган касаба уюшмалари тизимида ишловчи ҳар бир юртдошимизга азалий ҳаётнинг олтин қандаси бегона эмас.



Нуронийлар ҳамиша эъзозда

Наманган вилоятининг энг сўлим нуқта-сида жойлашган «Чортоқ» санаторийсида кўпгина хайри ишлар қилинди. Жумладан, ўтган йили Давлат дастури доирасида санаторий нуронийларни ўз бағрига чорлаш аввалида бир қатор янгиликларга қўрилди. Сихаттоҳда нуронийларнинг дам олишига мўлжалланган алоҳида бино қайта таъмирланди ва жиҳозланди. Улар учун ажратилган 17 та хона стандарт талабларга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Ётоқхонага кириш қисмига ногиронлар ара-вачаси учун пандус ташкил этилди. Шунингдек, шифокор билан даволанувчиларни зарурат бўлганда болговчи алоқа воситалари ҳамда хоналарга барча қулайликларга эга мосламалар ўрнатилди. Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини кутиб олиш ва қабул қилиш учун алоҳида қабулхона

ташкил этилиб, уларни даволаш учун масъул врач бириктирилди.

Жорий йил бошидан эса бу каби қулайликлардан унумли фойдаланиш, қолаверса, ҳавосининг ўзиёқ минг дардга даво «Чортоқ»нинг неъматларидан фойдаланиш учун 152 нафар нуронийнинг ташрифи амалга оширилди.

Кексаларнинг жисмоний ҳолатини инobatга олган ҳолда уларга ажратилган бинодаги ошхонада махсус рацион асосида 5 маҳал овқат тайёрланади. Энг асосийси, кунни кўнглидагидек ўтказиш учун махсус дастур асосида фаолият юритилмоқда. Маънавий-маърифий дам олиш хоналари, кўнглиларга нур улашувчи сермазмон сўхбатлар, нафақат пири бадавлатларимизнинг, балки бошқа дам олувчилар ва сихаттоҳ ходимларининг

ҳам кўнглида ўчмас из қолдирмоқда.

«Чортоқ»қа бир неча марта келганман, — дейди кашқадарёлик меҳнат фахрийси Шербобо Қўчқоров. — Ҳар гал ўзгаришлар, хизмат кўрсатишда юксалишнинг гувоҳи бўламан. Илоҳим, бу каби гамжўрлик бошида турганларнинг орзу-умидлари ижобат бўлсин!

Кексаларнинг дуоси олтин, дейишди. Чунки бу дуоларда ҳаётдан йиллар давомида англаган ҳақиқатлар, эзгу ўй ва мусоф-фо ниятлар акс этади. Улар билан қилинган сўхбат бугун учун хазина бўлса, қилинган хизмат эса келажак пойдеворига қўйилган олтин гиштлардир.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири.
Ҳамдамжон Мамадалиев
олган суратлар

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

Фидойи меҳнат эътирофи

5 май — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат» ва «Шўхрат» медаллари таъсис этилган кун

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан парламентимизнинг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида тасдиқланган маъмур мукофотлар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз қудрати ва салоҳияти, халқимизнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаётини янада юксалтиришга улкан ҳисса қўшаётган юртдошларимиз меҳнатига эътибор ва эътироф ифодасидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони унвони мамлакатимизнинг олий мукофоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидagi қаҳрамонона хизматлари учун берилди. Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Президенти томонидан ёки Президент номидан тантанали равишда топширилади.

«Олтин юлдуз» медали ҳар бир қиррасининг икки ёнбағридан олтин нурлар таралган саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлиб, марказдаги доира ичида Давлатимиз гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган.

Ўтган йиллар мобайнида ўнлаб юртдошларимиз ўшбу олий мукофот билан тақдирланди.

2015 йили «Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси Таваккал Топволдиев мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлидаги самарали ва фидокорона хизматлари учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Президентимиз раҳнамолигида кексаларга, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамжўрлик ёши улуг инсонлар кўнглини кўтармоқда, ёшларни эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда. Фахрийлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ижтимоий муҳофаза қилинмоқда.

— Қўллаб хорижий мамлакатларда бўлдим, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Таваккал Топволдиев. — Очиғи, ривожланган давлатларда кексаларнинг аксарияти яққа-ёлғиз, жамиятдан ажралган ҳолда, умидсизлик кайфиятида яшаётганининг гувоҳи бўлганман. Минг шукрки, мамлакатимизда кексалар эъзозу эҳтиромда. Юртбошимиз раҳнамолигида давлатимиз эътибори ва гамжўрлигини ҳар дамда ҳис этиб яшамоқда. Бундай ҳурмат-эҳтиром оғушида яшаш катта бахт.

«Мустақиллик» ордени — Ўзбекистонда мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар меҳнати эътирофининг ёрқин ифодасидир. Ордени марказида гўзал ва саховатли заманимиз фониди хурлик рамзи бўлган Ҳумо қуши тасвирланган. Уни ўраб турган айлананинг тепасига ўн иккита ёқут тош қадалган.

Бу ордени билан юртдошларимиздан ташқари, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 20 августдаги фармонида биноан Тошкент шаҳри юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, эзгу аъёнларини сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди.

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик бор жойда аниқ мақсад сари интилиш, олдинга силжиш бўлади. Халқимизга хос баркиренглик ва аҳиллик мамлакатимизда қарор тошган мил-



латларро тотувликнинг муҳим кафолатидир. «Дўстлик» ордени билан Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришган мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланиши мумкин.

«Дўстлик» ордени марказида ўз ифодасини топган метиндек жипс қўллар ва турли ранглар уйғунлиги ўшбу мукофот соҳиблари қалбиди миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш туйғусини мударо янатиб туради.

Истиқлол йилларида халқимиз эришган энг катта ютуқ тинч-осойишта ҳаётимиздир. Осмонимиз мусоффолиги, бугунги овоз ва обод ҳаётимиз миллий армиямизни ислоҳ этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар самарасидир.

Бу шарафли ишга ҳисса қўшаётган инсонлар — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда, ҳарбий бурчини ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун «Жасорат» медали билан мукофотланади.

Ҳар йили ўнлаб юртдошларимиз мамлакатимиз иқтисодий, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишга қўшаётган ҳиссаси учун «Шўхрат» медали билан мукофотланмоқда.

Эл-юртга муносиб бўлишга интилиб, аждодларимиз меросини бойитишга ҳисса қўшиб яшаш йўлимизни ойдин, кўнглимизни мунаввар қилади. Инсон учун ангилки ва тараққиётга, эл-юрт равнақиға ҳисса қўшишга интилиб яшайдан ортиқ бахт йўқ. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, ана шундай ноб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайдиган, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Эътироф

«Туркистон» саройида 3 май куни Журналистика соҳасида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Рағбат ва эътибор янги марраларга чорлайди

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитаси раиси Ў.Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари ижодий ривожланган, журналистлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган соҳа ходимларини янги ижодий марралар сари илҳомлантираётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятига

онд миллий қўнчилик тақомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини тўла таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш, улар фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор этишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон матбуот эркинлиги кўнига бағишланган танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Uzreport» ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танлов телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилди. Унда битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича утадан мукофот ҳамда «Энг яхши матбуот хизмати» ва «Энг яхши фоторепортаж учун» рағбатлантирувчи номинациялар таъсис этилган.

«Олтин қалам» танловидида ўтган йиллар давомида 5 мингга яқин журналист 70 мингга яқин ижодий материал билан қатнашган. Бу йилги танловда 510 ижодкор 8 минг 500 га яқин материални тақдим этган.

Халқаро ҳамкорлик

Юридик клиникада семинар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида тизимда фаолият юритаётган ҳуқуқшунослар, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассислар ҳамда Федерация Кенгаши қошидаги Юридик клиника волонтерлари учун «Халқаро меҳнат стандартларининг ривожланиш истиқболлари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича Бюроси бош мутахассислари С.Гловацкас ҳамда Л.Сиббель, шунингдек, ХМТнинг «Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалиётга татбиқ этиш» лойиҳаси бош техник маслаҳатчиси Х.Талига иштирок этди. Меҳмонлар йиғилганларга Халқаро меҳнат ташкилоти тўғрисида, унинг фаолият йўналишлари, лойиҳалари, тузилмаси, шунингдек, ХМТ ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир якунида Халқаро меҳнат ташкилот вакиллари Федерация Кенгаши қошидаги Юридик клиникага таъриф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.



ЎЗКУФК юридик бўлими

Худудий бирлашмаларда

Жамоа шартномасининг аҳамияти

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча худудларида «Жамоа шартномасининг аҳамияти» мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилди. Унда худудий ҳокимликлар, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат, Солиқ, Марказий банкнинг вилоят бошқармалари каби кўплаб ҳамкор давлат ва нодавлат ташкилотлар, иш берувчилар, ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассислар ва касабаси фаоллари иштирок этишди.

Ўқув-семинарларда мутахассислар томонидан «Меҳнат соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар», «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишда иш берувчининг мажбуриятлари», «Меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти» ва «Кичик бизнес субъектлари учун қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган имтиёзлар» каби долзарб мавзудаги маърузалар қилинди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ касабаси уюшма ташкилотлари бирлашма кенгашида ташкил этилган ўқув-семинарда бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Муратбай Данияровнинг мавзуга оид маърузаси тингланди. Жумладан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, бунда касабаси уюшмаларининг фаол иштироки, жамоа шартномаларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси каби кўплаб имтиёзлар акс этган кафолатлар тўғрисида сўз борди.

— Касабаси уюшма ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни жамоа шартнома ва келишувлари орқали тартибга солиш баробарида, Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган Конвенциялари ижроси таъминланмоқда, — деди бирлашма кенгаши юридик бўлими мудири П. Турсинов.

ТОШКЕНТ вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган ўқув-семинарда бирлашма кенгаши раиси Шавкат Собиров кириш сўзи билан очиб, меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномасининг аҳамияти ва ушбу муҳим ҳужжатнинг меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳамда ҳуқуқий ҳимоялашдаги роли ошиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг бирлашма кенгаши бўлим мудири Нодир Темиров, Ботир Мирзаев, Руслан Раҳмоновларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

СИРДАРЁ вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашидаги ўқув-семинар ҳам қизғин кечди. Тадбирда таъкидланганидек, Бош келишув асосида вилоятда имзоланган худудий келишувга асосан уч томонлама мулоқот амалга оширилмоқда. Корхона, ташкилотларда жамоа шартномалари қабул қилиниб, улар орқали ходимлар манфаатлари ҳимоя қилинапти. Кичик бизнес субъектларида аҳолининг бандлик даражаси ошишини инобатга олиниб, нодавлат сектори корхоналарида бошланғич ташкилотлар тузиш, уларда жамоа шартномаларини қабул қилиш орқали ишловчи ходимлар манфаатини таъминлашга эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди.

НАВОЙЙ вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказилган ўқув-семинарда бирлашма кенгаши юридик бўлим мудири А.Раҳматов, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлим мудири Ч.Қодиров маърузалари тингланди.

Очқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар томонидан иш берувчи ва касабаси уюшмалари ўртасида ҳамкорлик тобора кучайиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. — Вилоят бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ўтган йилги ижроси 98,6 фоизга бажарилишига эришилди. Натижада, ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш амалиёти кенгаймоқда, — дейди бирлашма кенгаши бўлим мудири Феруза Раҳимова.

ЖИЗЗАХ вилоятида ҳам ўқув-семинар қизқарли ўтди. Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Пардаев тадбирни очар экан, амалга оширилаётган ислохотларда касабаси уюшмаларининг ўз ўрни борлиги, бунда меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шaroити яратишдаги фаоллик муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Эътиборли томони, касабаси уюшмалари томонидан ижтимоий шериклини янада ривожлантириш, жамоа-шартномавий муносабатлар орқали ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Амалдаги Бош келишув асосида вилоятда битта минтақавий, 13 та туман (шаҳар) миқёсидаги тармоқ келишуви ҳамда корхона ва ташкилотларда 8367 та жамоа шартномаси амал қилиб, улар орқали 140979 нафар ходим манфаати қамраб олинган.

Тадбирда бирлашма кенгаши бўлим мудири Э.Умурзоқов, А.Сангилов, Д.Мирзаевларнинг маърузалари катнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбирларимиз

СУРХОНДАРЁ вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкил этилган ўқув-семинарда ҳам долзарб мавзудиги маърузалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар томонидан ҳусусий сектордаги корхона ва ташкилотларни касабаси уюшмасига жалб этишни янада ривожлантириш, тармоқда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида кичик бизнес субъектлари, оилавий тадбиркорлар, хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган қўшма корхоналарга эътибор қаратиш ҳамда ушбу мақсадларга эришиш йўлида ижтимоий шериклини янада такомиллаштириш ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мухтор АНОРБОЕВ,
вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

ХОРАЗМ вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномаларининг ўрнини ошириш мақсадида бўлиб ўтган «Жамоа шартномасининг аҳамияти» мавзусида ўқув-семинарда кўплаб мавзудаги маърузалар тингланди.

Сўнгги йилларда жамоа шартномасига киритилган қатор имтиёз ва кафолатлар ходимлар учун муносиб меҳнат шaroити яратишда муҳим омили бўлаётгани қайд этилди. Натижада, аъзоларнинг касабаси уюшмаларига бўлган ишончи ортиб, нодавлат сектори ташкилот ва корхоналарини жалб этиш борасида ҳам ижобий саяё-ҳаракатлар амалга оширилаётган.

Н. ПОЛВОНОВА,
вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

БУХОРО вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ўқув-семинар ўтказилиб, унда бирлашма мутахассислари томонидан мавзуга оид маърузалар қилинди. Музокарада сўзга чиққанлар касабаси уюшмалари ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилган ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда аъзолар манфаатини жамоа шартномалари орқали таъминланаётгани қайд этилди.

Айни пайтда худудий келишув, бевоқифа корхона ва ташкилотларда эса 6336 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Корхона, ташкилотларда меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномалари аҳамиятини ошириш борасида касабаси уюшма фаоллари томонидан билдирилган тақлифларни инобатга олиб, иш берувчилар билан амалий ҳамкорлини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган тегишли тавсиялар тарқатилди.

Ҳамза РЎЗИЕВ,
вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири



Рағбат ва эътибор янги марраларга чорлайди

Қ(1). «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танловда Бош миллий мукофот соҳиби, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблар, шунингдек, «Энг яхши матбуот хизмати», «Энг яхши фоторепортаж учун» рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди.

Танлов доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ахборот маркази, ЮНЕСКО, ЮСАИД, «Минтақавий мулоқот» (Словения), Германия Халқ университетлари ассоциацияси каби қатор халқаро ташкилотлар ва коллатхоналари ҳам «Олтин қалам»

танловда ўз мукофоти билан қатнашди.

Ижодий лойиҳани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

«Тошкент телерадиоканали» ДУК ижодий жамоаси «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош миллий мукофотга лойиқ топилди. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

— Президентимиз томонидан медиа соҳа вакилларига қўрсатилаётган юкса эътибор ва ғамхўрликни, доимий рағбатни кундалик фаоли-

тимизда ҳис этмоқдамиз, — дейди «Тошкент телерадиоканали» директори М.Сафаров. — Мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёни жамият ҳаётининг барча жаҳаларида, юрдошларимиз тафакхурида, тақдирда мислсиз ижобий ўзгаришлар ясамоқда. Бундай масъулиятли жараёнда журналист сўзининг таъсирчанлигини янада ошириш, ён-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга теран, сезгирлик билан муносабатда бўлиш бизнинг энг асосий бурчимиздир.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар, пул мукофотлари топширилди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳодиев сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Семинар

Сирдарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан жойлардаги ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш ходимлар иштирокида меҳнат қонунчилигига доир семинар ҳамда давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ҳуқуқий билимлар мустақамланмоқда

Боёвут туман тиббиёт бирлашмасида ёшларнинг меҳнат қонунчилигига оид билимини оширишга оид давра суҳбати ҳам, кутилганидек, иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унда бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Бозорбой Исмаилов, солиқчи сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Раъно Абдалимова ҳамда тиббиёт бирлашмаси ходимлари, ўқувчи-ёшлар қатнашди. Иштирокчилар меҳнат ҳуқуқига оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Тадбир сўнггида қатнашчиларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган, меҳнат қонунчилигига оид масалалар ёритилган эслатмалар тақдим этилди.

С.ТОҒАЕВ,
Сирдарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи юрисконсулти

Расмий меҳнат ва имтиёзлар

Қарши шаҳрида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат қўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши Қашқадарё вилоятидаги ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда қўшма семинар ва давра суҳбати ташкил этди.

Даставвал вилоят «Хунармандлар» уюшмаси раиси Клара Муқашова соҳани ривожлантиришда яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритиб, уюшма аъзоларига жорий этилган имтиёз ва қўлайликларга тўхталиб ўтди. Вилоят савдо-саноат палатаси мутахассиси Жамшид Аҳмадовнинг кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш бўйича берган тавсиялари ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Абдураим Тўраевнинг кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётган ҳамда касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаати ҳимоясини таъминлашни, уларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroити яратишига оид маърузаси ҳам қатнашчилар диққат марказида бўлди.

— Хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги роли ва мақомини мустаҳкамлаш, фаоллигини ошириш, шунингдек, аёллар бандлиги борасида катта ишлар қилинмоқда, — дейди А.Тўраев. — Ҳозирда юртимизда меҳнат ёшидаги аёлларнинг 62 фоизи иқтисодийнинг турли тармоқларида, бошқарув, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик соҳаларида фаол қатнашмоқда.

Йилдан-йилга тадбиркор аёллар сони уларнинг фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Энг асосийси, янги иш ўринлари яратилапти. Ҳозирда мамлакатда аёллар тадбиркорлик субъектларининг 35 фоизини ташкил этмоқда.

Жамоа шартномалари орқали кичик ёшидаги фарзанди бор аёлларга қўсқарилган иш вақти белгилаш, ҳақ тўланадиган хомилдорлик ва туғиш таътиллари кунларини узайтириш, 2 ёшдан 3

Раёсат йиғилиши

Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни бирлашма кенгаши раиси Улуғбек Жалмонов олиб борди.

Сарҳисоб кўлами кенг

Унда, жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида амалга оширилган ишлар якунига алоҳида эътибор қаратилди. Барча корхона ва ташкилотларда касабаси уюшмалари фаолиятини йўлга қўйиш, қатор туман тармоқ касабаси уюшма кенгашлари фаолиятини Устав талаблари доирасида ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш натижалари, жамоа шартномалари бажарилишининг ўтган йил якунлари каби масалалар кўриб чиқилди.

Айниқса, «Соғлом она ва бола» йили Давлат дастури доирасида амалга оширилиши белгиланган тадбирлар ижроси иштирокчилар диққат марказида бўлди. Бундан ташқари, жойлардаги 25 бошланғич ташкилотда меҳнат муҳофазаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ўрганилиб, 237 нафар соҳага масъул ходимлар ўқитилди. Ҳисобот даврида корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 106950 нафар хотин-қизларнинг тиббий кўриқдан ўттиши таъминланди.

Иш берувчилар билан ҳамкорликда олиб борилаётган фаолият тахлили тингланиб, ташкилотларни аъзоликка жалб этиш ва соҳаларда аниқланган камчиликларга чек қўйиш юзасидан тушган тақлифлар муҳокама қилинди. Йиғилишда Нукус, Хўжайли ва Кегейли туманлари касабаси уюшма ташкилотларининг Устав талаби доирасида амалга оширилаётган фаолияти кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, туманларда Устав талаблари ва Давлат дастури доирасида қатор ишлар бажарилиши билан бирга, айрим йўналишларда камчиликларга йўл қўйилганлигига эътибор қаратилди. Уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда кўпчилик қўйи ташкилот етакчилари фаоллигига баҳо бериш билан бирга, айрим касабқўшмаларнинг ишга суқташлик билан ёндашаётгани танқид остига олинди.

Мажлисда кун тартибидagi барча масалалар кўриб чиқилиб, гадаги йўналишларга оид вазифалар муҳокама этилди ва қарорлар қабул қилинди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

ёшгача бўлган бола парвариши таътилдаги аёлларга моддий ёрдам қўрсатиш каби имтиёзлардан кенг фойдаланилаётган. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда хомилдор аёлларни ишга қабул қилиш учун квота иш ўринлари ажратиш, уларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш, хавфсиз меҳнат шaroитини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қошида тузилган Хотин-қизлар комиссияси томонидан аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фаол хотин-қизларни муносиб рағбатлантириш йўналишларида тизимли ишлар амалга оширилаётгани ҳам айни мuddао бўлмоқда.

Касабаси уюшмалари томонидан коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, коллеж ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш ва келгусида ишга жойлаштириш бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилган.

Семинар қизгин савол-жавоблар руҳида бўлиб ўтди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳар бир ходим манфаатдор бўлсин

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши мутасаддилари Хоразм вилоятида бўлиб, бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари асосида йўлга қўйишга амалий ёрдам бердилар. Ушбу жараёнда юзага келган масалалар юзасидан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, иш берувчилар, касабаси уюшма вакиллари иштирокида кенгайтирилган семинарийгилиш ташкил қилинди. Уни вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Равшан Жабборов олиб борди.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, иш берувчилар билан ҳамкорлини мустаҳкамлаш, жамоа шартномаларида меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилиш кўламини ошириш ва ижросини таъминлаш билан чамчиликларни бунга эришиш биздан ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилган ҳолда, меҳнат муносабатларини тўғри ташкил қилишни, юзага келган ҳар қандай камчиликни вақтида аниқлаб, бартараф қилишни тақозо этади. Шу маънода, тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгаши то-

монидан кўрсатилган амалий ёрдам барча учун бирдек фойдала бўлди, — деди Р.Жабборов.

Тармоқ Республика кенгаши раиси Фарҳод Хананияев иш берувчи ҳам, касабаси уюшмалари ҳам фаолиятнинг меҳнат қонунчилиги доирасида йўлга қўйилишдан манфаатдор эканини, меҳнат муносабатларини йўлга қўйишда жамоа келишуви ва шартномаларининг аҳамияти катта эканини таъкидлади. Ижтимоий шериклини янада мустаҳкамлаш юзасидан тавсиялар берди.

Семинарда Республика кенгаши бош

юрисконсулти Улуғбек Абдураҳмоновнинг «Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қонунчилигига риоя қилиш юзасидан тавсиялар», Республика кенгаши бош мутахассиси Зафар Алиевнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида иш берувчиларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари» мавзусидаги кўргазмали маърузалари иштирокчилар томонидан қизгин кутиб олинди.

— Очқ мулоқот асноси жуда кўп саволларимизга жавоб олди, — дейди республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Шўҳрат Отажонов. — Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимида ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш, улар учун муносиб ва қўлай иш шaroити яратиш беришнинг аҳамияти катта. Бу билан биз тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширган бўламиз.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Сўраган эдингиз...

Пластик карточка: қўлай ва хавфсиз

Бугунги кунда банк пластик карточкалари аҳоли учун қўлай, самарали ва ишончли тўлов воситасига айланиб қолди. Карточкалар орқали барча турдаги тўловни амалга ошириш, мамлакатнинг хоҳлаган жойида туриб коммунал тўловлар, уяли ва симли телефон учун пул ўтказиши мумкин. Пластик карточкалар хавфсизлиги, ихчамлиги билан ҳам қўлчиликка қўл келгачи. Газетамиз муштарийлари соҳадаги янгиликлар ҳамда банк карточкалари орқали савдони амалга оширишда юзага келадиган айрим масалалар бўйича саволлар йўллашган. Уларга жавоб олиш мақсадида Марказий банк мутахассисларига мурожаат қилдик.

1 929 000 ТА ТЕРМИНАЛ

Савол: Айтингчи, айти пайтда юртимизда банк пластик карталари, терминаллар, банкоматлар сони қанча?
Гулнора СОБИТОВА,
Чилонзор тумани

Жавоб: Республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасидаги олиб борилаётган ишлар натижасида банк пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш учун қўлай шароитлар яратилмоқда ҳамда замонавий банк технологиялари асосида янги хизмат турлари жорий этилмоқда. Бугунги кунда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган тўлов терминаллари 1 млн. 929 мингтадан ташкил этади. Бундан ташқари, жойларда тўловларни улуксиз қабул қилиш имкониятини берувчи 2 683 та банкомат ва инфоюкскалар мавжуд. Жумладан, 2015 йил давомида 24,3 мингта тўлов терминаллари, шундан Тошкент шаҳридан ташқари ҳудудларда 20,3 мингта тўлов терминаллари ўрнатилди.

Тижорат банклар томонидан уларнинг сонини босқичма-босқич кўпайтириш юзасидан тегишли чоралар кўриломоқда.

Таъкидлаш жоизки, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш доимий жараён бўлиб, бу янги ташкил этилаётган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари сони ҳамда ҳужали субъектларидан уларни ўрнатишни сўраб тушаётган аризаларга боғлиқдир.

«DUET» УТМАЙДИМИ?

Савол: Баъзи савдо шохобчаларидаги терминаллар фақат бир турдаги («Duet» ёки «On-line») карточкаларга хизмат кўрсатади. Бу ўз ўрнида чакана савдода турли ноқулайликларни вужудга келтирмоқда. Муаммони ҳал қилиш чоралари кўриляптими? Шунингдек, қайси савдо шохобчалари қандай турдаги терминал билан таъминланиши тўғрисида маълумот берсангиз.

Давронбек ЖАББОРОВ,
Гулистон шаҳри

Жавоб: 2011 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан халқаро стандартлар асосида ишловчи «Smart vista» («On-line» режими) тўлов тизими жорий этилган. Пластик карточкалар тизимидан фойдаланувчиларга ноқулайликлар яратмаслик мақсадида жойлардаги тўлов терминаллари Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан масофадан туриб тегишли дастурий таъминотлар ёзилиши ишлари ўз якунига етказилди.

Савдо шохобчалари томонидан «DUET» тизимидаги тўлов терминаллари уларга боғлаш учун чакана савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш объектилари томонидан махсус алоқа ускуналари («Dial-up» ва «ADSL» модел — шаҳар телефон линияси, «3G» ва «GPRS route» модем — уяли алоқа линияси «CDMA 450» модем — уяли алоқа линиялари каби) ўрнатилиши лозим.

БИРИ-БИРИДАН ЯХШИ

Савол: «Duet» ва «On-line» режимидаги банк пластик карточкасининг бири-биридан фарқи ва афзалликлари нимадан иборат?
Баҳром ТОЖИЕВ,
Бешиарк тумани

Жавоб: «On-line» режимида ишловчи пластик карточкалари бу — «электрон калит» вазифини бажариб, мижоз у билан «интернет банкинг» ҳамда «мобил банкинг» хиз-

матларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, СМС орқали пластик карточкасидаги маблағ ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар уяли телефонга келиб туради.

Ушбу тизимдаги тўлов терминаллари эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида кириб қилинган маблағлар бир вақтнинг ўзида уларнинг банкдаги ҳисоб рақамда қайд этилади.

«On-line» режимида ишлайдиган банк пластик карточкаси «Off-line» режимидагисига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга.

— кириб қилинган маблағни карточкага юклаб олиш шарт эмас;

— агар мижоз пластик картани йўқотса, тижорат банкига телефон қилиш йўли билан ўша заҳоти картани ёпиб қўйиш (блокировка қилиш) имконияти мавжуд;

— СМС орқали пластик карточкадаги маблағларнинг ҳар бир ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар уяли телефонингизга келиб туради;

— «интернет банкинг» ҳамда «мобил банкинг» хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд;

— «On-line» режимида ишлайдиган пластик карточкалардан тўловлар амалга оширилганда маблағ алоқа каналлари орқали бир вақтнинг ўзида савдо ва хизмат кўрсатиш корхонасининг банкдаги ҳисоб рақамларида акс этади ва ҳужалик субъектлари ушбу

тик карточкалардаги қолдиқ маблағларга йиллик Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда, яъни камида 9 фоиз миқдорда қўшимча фоиз ҳисобланади;

— жисмоний шахслар пластик карточкаларини (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва оилавий карточкалар) фойдаланиш мuddати тугаганда қайта эмиссия қилишда (алмаштиришда) банк хизмат ҳақи ундирилмаслиги;

— банк эмитентидан қатъи назар жисмоний шахснинг пластик карточкасидаги маблағи бошқа бир жисмоний шахс пластик карточкасига ўтказилганда ёки кириб қилинганда банк хизмат ҳақи ундирилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, юридик шахслар ва яққа тартибдаги тadbиркорларга қўлайлик яратиш мақсадида юридик шахс ва яққа тартибдаги тadbиркор учун корпоратив пластик карточка эмиссия қилишда олдин 20 еврогача банк хизмат ҳақи ундирилган бўлса, ушбу янги тарифлар режасига кўра 5 еврогача туширилади.

Юридик шахс ва яққа тартибдаги тadbиркорнинг йўқотилган ёки шикастланган корпоратив карточкалари ўрнига янгиси берилганда олдин 25 еврогача банк хиз-

НАҚД ПУЛГА ТЕНГ

Савол: Дўкандан юмшоқ меbel харид қилмоқчи бўлгандим. Сотувчи маҳсулотнинг нархини нақд пулда 10 фоизга арзонроқ бўлишини айтиди. Бундан ташқари, тўлов нақдда амалга оширилса, харидни етказиб бериш хизмати ҳам текдн бўлишини тушунтирди. Пластик карта билан нақд пулнинг фарқи борми?

Нозимахон ЖўРАЕВА,
Тошкент шаҳри

Жавоб: Истеъмолчи пластик карточкадан, сотувчи терминалдан фойдаланганда товарларнинг нархи нақд пулда қанча бўлса, тўлов пластик карточка орқали амалга оширилганда ҳам нарх ошмаслиги тўғрисидаги тартибни эздан чиқармасликка келди. Бошқача айтганда, қоидага кўра карточкалардаги маблағ нақд пул ҳисобланади. Баъзида савдо ва пуллик хизмат корхоналарида турли вақтлар билан банк пластик карточкадан тўловларни қабул қилишдан бош тортиши, «хизмат кўрсатувчи» ходим томонидан нархларни асосида равишда ошириш, назорат-касса машиналарини қўллаш тартибига риоя қилмаслик, касса чеки, квитанция, счётлар беришдан бош тортиши Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 февралдаги 75-сонли қарорининг 1-илловаси — «Чакана савдо қоидалари»га зид ҳисобланади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда

маблағдан шу куннинг ўзида фойдаланиш имкониятига эга бўлади;

— савдо корхоналарида «карта тўлиб қолди», «инкассация қилишга олиб кетишди» каби бир қатор баҳоналар бўлмайди.

9 ФОИЗ ФОЙДА КЎРАСИЗ

Савол: Ҳозирда пластик карточкалар фойдаланувчиларига қандай қўшимча имкониятлар яратилган. Улар қайси турдаги карталарда амал қилади?

Нодир ҚОСИМОВ,
Ҳазорасп тумани

Жавоб: Пластик карточкалар фойдаланувчиларга янги турдаги банк хизматларини жорий қилиш, бу — давомий жараён бўлиб, замон талабига қараб ўзгариб боради.

Хусусан, 2016 йил 25 февралда Марказий банк ҳамда Банклар Ассоциацияси томонидан юқоридаги ягона тарифлар режасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди: — жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб плас-

т ҳақи ундирилган бўлса, ушбу янги тарифлар режасига кўра 10 еврогача камайtirилди.

«On-line» режимида ишлайдиган пластик карточкалар орқали масофадан туриб, банк операторисиз ёки уларни қабул қилувчи ускуналарсиз пластик карточкадаги маблағларни бошқариш имконияти ҳам мавжуд.

Бугунги кунда тўловларни амалга ошириш имконини берувчи «Uzcard-Click», «M-Bank», «U-Pay», «Mobilsavdo» (мазкур провайдерлар мустақил ҳужалик юритувчи субъектлардир) тўлов хизматлари йўлга қўйилган бўлиб, пластик карточкаларидан тўғридан-тўғри уяли телефонлари орқали кўрсатилган хизматлар учун (мижоз ўз ихтиёрига кўра, фақат мазкур провайдерлар хизмати ҳақини тижорат банклари орқали тўлайди) яқинларининг мобил телефонлари балансини тўлдириш, интернет, веб-сайтлар, кабел телевидение, коммунал тўловларини амалга ошириш ҳамда банк пластик карточкасидаги маблағларини бошқариш имкониятига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 июндаги 18/1, 2009-20-сонли қарори ҳамда унга илова тариқасида қабул қилинган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомни бузиш деб қабул қилинади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари сотувчи-ходимлари (масъул шахслар) томонидан тўлов терминалининг носозлиги баҳона қилиниб, банк пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Чакана савдонинг белгиланган қоидалари бузилганда истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (0-371) 200-00-44, тўловларни амалга оширишда турли баҳоналар билан уни рад этиш, нархларни асосида равишда ошириш ҳолатлари юзга келса, Давлат солиқ қўмитасининг (0-371) 244-98-98, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ва Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 1091 «Ишонч телефони»га мурожаат қилиши мумкин.

Саволга Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассиси Умида МАНСУРОВА жавоб берди.

- авиация ва темир йўллар чипталарини сотиш кассалари;
- автовокзал ва автостанциялар кассалари;
- автомобилларга ёниги қўйиш шохобчалари;
- меҳмонхоналар;
- кредит ташкилотлари (микрокредит ташкилотлари, ломбардлар), суғурта ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари;
- тургун савдо шохобчалари, шу жумладан, дорихоналар (эгаллаб турган майдони ўлчамидан қатъи назар);
- умумий овқатланиш объектилари;
- уй-жой коммунал, шунингдек, телефон алоқа хизматлари, шу жумладан, уяли алоқа телефонлари хизматлари учун аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари;
- автотранспорт воситаларини вақтинчалик саклаш жойлари;
- алоқа бўлимлари;
- маший хизмат кўрсатиш ҳамда маданий-оммавий ва томоша тadbирлари ўтказиладиган объектилар;
- аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа ҳужалик юритувчи

субъектлар (Назорат-касса машиналарини қўлламаган тарзда, қонунчиликка мувофиқ аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган объектиларни истисно қилган ҳолда).

Савдо ва хизмат кўрсатиш объекти раҳбари тўлов терминали ажратилиши юзасидан хизмат кўрсатувчи банкка ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади. Тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши лозим бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари раҳбарлари эса банкда талаб қилиб олинувчи асосий депозит ҳисобварағини очган кундан бошлаб беш иш кун ичида мурожаат қилишлари керак.

Тижорат банклари тўлов терминалини ажратиш бўйича мурожаатлар келиб тушган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида тўлов терминаллари ажратилади.

ЭГАСИ РОЗИ БЎЛСА

Савол: Опама тегишли пластик карточкадан коммунал тўловларни амалга оширмоқчи бўлганимда банк кассасидаги ходим уй кимнинг номида бўлса, ўша шахснинг картасидангина тўловни амалга ошириш мумкин, бу тўғрида Марказий Банк қарори мавжудлигини айтган. Ҳақиқатдан ҳам шундай қарор мавжудми? Шунингдек, бошқа шахсга тегишли картадан (ўқув тўлов шартномаси, турли кредитлар олишда бошланғич тўловни амалга ошириш учун) фойдаланишда қандай тартиблар бор?

Намуна ХОЛБЕКОВА,
Жаркўрган тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан давлат рўйхатида олинган «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандига асосан банк пластик карта эгаси бўлмаган шахс, карта эгасининг рухсатисиз ундан фойдаланиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Адлия вазирлигида 2013 йил 21 июлда 2528-сон билан давлат рўйхатида олинган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромдларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат» Қоидаларининг 22-бандига асосан тижорат банклари жисмоний шахслар томонидан тижорат банкда жойлашган терминаллар орқали пластик карталардан фойдаланилган ҳолда операциялар (нақд маблағлар ечиш, товар ва хизматларга тўловлар) амалга оширилганда (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан муастасно) мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари белгиланган.

Шу билан бирга, «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга (2013 йил 26 феврал) мувофиқ жисмоний шахслар олий таълим муассасалари билан расмийлаштирилган икки томонлама шартнома асосида ўзининг пластик карточкаси орқали контракт тўловини амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланди

Банк ва мижоз

Ўтган йиллар мобайнида хусусий тadbиркорлик ва кичик бизнеснинг салмоғи йилдан-йилга ошиб, мазкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўлинига айланди. Бу жараёнда тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим ўрин тутатганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, 1997 йилдан буён банк хизматини кўрсатиб келадиган ТИФ «Миллий банкнинг Тошкент вилоят Тўйтепа филиали хусусий сектор — тadbиркорлик субъектлари ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кредитлар — тadbиркорлар учун

Соҳани ривожлантириш борасида белгиланган кенг қўламли чора-тадбирлар иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўйиш билан бир қаторда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ўтган 2015 йилда «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят Тўйтепа филиали томонидан хусусий бизнесга энди-гина қадам қўйётган касб-хунар коллежи битирувчиларига 205,1 млн., оилавий бизнесга 232,8 млн., аёллар тadbиркорлигини

ривожлантиришга 657,5 млн. маблағ ажратилди. Молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида 1 минг 50 нафар киши иш ўрнига эга бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик улушининг ортиб бориши тadbиркорларга кенг имконият эшигини очмоқда. Икки бозорни замонавий, маҳаллий, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириб, қўшимча иш ўринлари яратилишида қўл келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврига назар ташласак, филиал томонидан ушбу мақсадлар учун



Реклама ўрнида

ажратилган сармоялар ҳисобига яққа тартибдаги тadbиркорлар Раҳматилла Отақулов меbel ишлаб чиқариш учун 130 млн. сўм, Жаҳонгир Саиджонов курилиш материалларини ишлаб чиқаришга 100 млн. сўм олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Тadbиркор Пардабой Ҳаитбоев айланма маблағини тўлдириш учун 15 млн. сўм, шунингдек, «Қорасув Терминал» МЧЖ раҳбари Алишер Раҳматуллаев банкдан берилган 100 млн. сўм эвазига бизнесни янада кенгайтирмоқда.

Яратилаётган бу каби имкониятлар натижасида аҳоли турмуши янада фаровонлашмоқда.
Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Кўрик-танлов

Солиқ билимдонлари

Олий таълим муассасалари ўртасида «Солиқ билимдонлари» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим вазирлиги, «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда Навоий Давлат қончилик институтининг «Адолат» ҳамда Навоий Давлат педагогика институтининг «Парламент» жамоалари ўзaro беллашди.

— Мазкур кўрик-танлов мамлакатимиз солиқ қончилигига киритилаётган кўшимча ва ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни йўлга қўйиш учун яратилаётган турли имтиёзлар тўғрисида ёшларнинг билиминини оширишда муҳим омили бўлмоқда, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Мардон Жабборов.

Белгиланган шартлар бўйича юқори балл тўлаган «Адолат» жамоаси голибликни қўлга киритиб, кўрик-тан-

ловнинг республика босқичига йўлланима олди.

Ҳар икки жамоа аъзолари ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Руслан САБУРОВ,
«Ishonch» мухбири

Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ саводхонлиги ва қонунчилиги бўйича мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, ўз ҳуқуқ ва бурчларини биладиган ижтимоий фаол бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро солиқ коллежида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган «Солиқ билимлари — болаларга!» ижодий кўрик-танловининг Бухоро шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Бу йилги танловда шаҳардаги 41 та мактаб ва 18 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларнинг иктидорли ўқувчилари қатнашди. Иштирокчилар 4 та шарт бўйича бахшланди.

1-4 синф ўқувчилари учун «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири» йўналишида 34-мактаб ўқувчиси Севара Раҳимова, 5-9 синф ўқувчилари учун «Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши» йўналишида эса 21-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Севилия Ҳикматова голибликни қўлга киритди. Шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун Ўзбекистон Республикасида солиқ сўбати мавзусидаги «Энг яхши иншо» йўналишида Бухоро банк коллежи талабаси Маржона Тешаева ҳамда «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусидаги энг яхши компютер тақдироти йўналишида Бухоро солиқ коллежи талабаси Назира Олимова пухта ҳозирлик кўрганликларини амалда исботлашди.

Фойдаларга ташкилотчилар ва хомийларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Алишер РАЖАБОВ,
Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси касаба уюшма қўмитаси раиси

Фестивал



налистларга батафсил маълумот берилди. Фестивал очилишида сўз олганлар юртимизда санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу эса ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш, уларнинг дунёқараши, маънавиятини юксалтиришида муҳим ўрин эгаллаётганини таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилашди.

Санъатга ошурфта диллар

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Наврўз садолари» иккинчи халқаро мусиқа кўрик-фестивали санъатга ошно дилларни яна бир бор яқинлаштирди.

Мақур тадбир Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Урта махсус касб-хунар таълими Маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Бастакорлар ва «Тасвирий ойна» ижодий уюшмалари, «Сўғдийна» миллий чолғулари камер оркестри ҳамда Швейцариянинг ҳамкорлик бюроси билан биргаликда ташкил этилди. Унда мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослашган

лицей ва коллежлардаги оркестр ҳамда ансамбллар, шунингдек, профессионал жамоалар қатнашди. Айтиш жоизки, анъана тусини олган кўрик-фестивал ташкилий қўмита қарори ва хорижий ҳамкорлар тақлифига биноан бу йил иккинчи марта бахш халқаро миқёсда ўтказилиб, унга Тожикистон, Қирғизистон ва Қозғистондан ҳам ижодий жамоалар ташриф буюрди.

Тадбир дастлаб матбуот анжумани билан бошланди.

Унда Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 20 ноябрдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида, уларнинг фаолиятини бундан-да яхшилашга хизмат қилиши эътироф этилди. Бу борада амалга оширилган ва режалаштирилган ишлар хусусида жур-

Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» мухбири

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Миллий Олимпия қўмитасида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уч авлод учрашуви ўтказилди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимлари, фахрий ҳамда мураббий аёллар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Уч авлод учрашуви

Тадбирда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилаётган шароит, фахрий спортчиларнинг ҳаёти ва муваффақиятлари ҳақида сўз борди. Шунингдек, спортда кўплаб ютуқларга эришган Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган қизларнинг ютуқлари тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Аёллар спортини ривожлантиришга ўз ҳиссамини қўшиб, жаҳон ареналарида ўтаётган мусобақаларда юртимиз байрогини баланд кўтариш мен учун ҳам бахт, ҳам катта шарафдир, — деди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Замира Санақуллова.

Нозимахон УМАРОВА, «Ishonch» мухбири

Камтарин инсон эди

Камтарин инсон Алибой Эргашевнинг ярим асрдан зиёд меҳнат фаолияти газетачилик билан chambarchас боғлиқ. Жиззах вилоятида чоп этиладиган «Фаллаорол овози», «Меҳнат байроғи» ва «Фалла учун» нашрларига турли йилларда Хайитбой Хайдаров, Саримсоқ Шайзоқов ва Жуман Турдиев қаторида Алибой Эргашев ҳам муҳаррирлик қилган.

1965 йилнинг кеч қузида туман газетаси тахриратига йигирма беш ёшлар чамасидаги истараси иссиққина йигит ишга қабул қилинади. Уша йиллари ижодий жамоа ва матбаачилар етарли бўлмагани туфайли Алибой ҳам макет тузаар, ҳам харф терар, ўрни келганда саҳифалашини ҳам ўзи уддаларди. Баъзан тун бўйи шошилинч материаллар тайёрларди.

У туман газетасига 1990 йилнинг июн ойига муҳаррирлик қилди. Шундан сўнг саккиз йил мобайнида «Ishonch» газетасининг Жиззах вилояти бўйича мухбири вазифасида фаолият кўрсатди. Унинг «Қонунбузар ким?», «Қишлоқ оқшомлари нега зерикарлик?», «Амалга олмаган ташаббус» каби қатор танқидий мақолалари жойлардаги айрим муаммоларни ҳал этишда

ёрдам берганлигини одамлар то хануз миннатдор бўлиб эслашади.

Нафақага чиққач, «Эзулик бекатлари», «Этиқод ва эъзоз», «Меҳнат қилган етар муродга», «Сўзга ошурфта кўнгил» каби тўпламлари нашрдан чиқди. Кейинчалик устоз «Савдогар» ва «Қадрият» газеталарининг Жиззах вилояти мухбири сифатида ҳам фаолият юритганлигини таъкидлаш керак.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, камтарин инсон Алибой Эргашев етмиш олти ёшида ҳаётдан кўз юмди. Унинг олти нафар фарзанди отасига муносиб равишда жамият риважига хисса қўшишмоқда. Ундан зиёд шоғирдлари турли даврий нашрларда фаолият юритаётир.

Абдулла САИДОВ

Реклама

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига «Пахта нефт базаси» УКнинг 2016 йил 18 апрелдаги 01-491-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гулистон кўчаси, 55-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 68.53 кв.метр, яшаш майдони 42.16 кв.метрга тенг бўлган 3 хонадан иборат 106-хонадор кўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 84 903 000 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 7 июн куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 3 июн куни соат 18:00. Қўчмас мулк 2016 йил 7 июн куни сотилмаган тақдирда, тақририй савдолари 2016 йилнинг 23 июн ва 11 июл кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Тақририй савдолар учун ари-

залар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йилнинг 23 июндаги савдо учун 21 июн куни, 11 июлдаги савдо учун 8 июл куни соат 18:00. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: — юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишоннома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишоннома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси. Савдо қолибга 30 (ўттиз) кун ичида сотувчи билан нотариал тар-

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Касаба уюшма спорти

Мурасасиз беллашувлар



Анъанага кўра, бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан «Академияда — 2016» мусобақаси ташкил этилди.

Маълумот учун айтиб ўтишимиз лозимки, хозирги кунда бирлашган касаба уюшмаси таркибиде 52 та бошлангич ташкилот бўлиб, жами 5100 га яқин ходим ижтимоий химоя қилиб келинмоқда.

Тизимда фаолият юритаётган ёш олимлар ва ходимларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб қилиш, уларни жисмоний чиниктириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тасарруфдаги илмий тадқиқот муассасаси ходимларининг спорт жамоаларини шакллантириш мақсадида бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг «Кўчма кубоги» учун мини-футбол мусобақаси уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Мусобақанинг саралаш босқичида 320 га яқин иштирокчи ўз жамоаси галабаси учун тўп сурди. 2-4 май кунлари ташкил этилган якуний финал босқичида 16 та жамоа таркибиде 160 нафар ходим бор имкониятини ишга солди. Йилдан-йилга мусобақанинг қамров доираси кенгайиб, иштирокчилар сони ошиб бораётгани бизни қувонтирмоқда, — деди Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шерзод Жўраев.

Ўзбекистон футбол федерацияси сунъий қопламали майдонларида кечган якуний босқич голибларни аниқлаб берди. Барча рақибларини мағлубиятга учратган Умумий ва ноорганик кимё институти ходимлари жамоаси «Кўчма кубок» соҳибига айланди. Энергетика ва автоматика институти жамоаси иккинчи, Усимлик ва ҳайвонот олами генотипи институти жамоаси вакиллари шохсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади.

Голиб ва совриндорлар медал, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, Акмал Асроров (Биоорганик кимёси институти) «Энг яхши ҳуқумчи», Зоҳид Хамроқулов (Умумий ва ноорганик кимё институти) «Энг яхши ҳимоячи», Дониёр Сиддиқов (Усимлик моддалари кимёси институти) «Энг яхши дарвозабон», Юра Каримов (Ядро физикаси институти) «Энг ёши улуг қатнашчи», Урол Хошимов (Энергетика ва автоматика институти) «Энг яхши мураббий», Орузманд Турғунов (Усимлик ва ҳайвонот олами генотипи ин-

«Касаба-тур» веломарфони

Чаққонлар баҳси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд туман кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақа ҳақиқий байрамга айланди.

Иштирокчилар голибликни шохсупаси учун эмас, балки ўз саломатлигини яна бир қарра синовдан ўтказишга шайланишигани шундоққина кўзга ташланиб турди.

35 ёшгача бўлган ҳаваскор велоспортчилар ўртасида биринчи ўрин 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Отабек Эргашевга насиб этди. 16-, 25-умумтаълим мактаблари ўқитувчилари Акмал Эшқувватов, Дамир Шарипов ҳам голиблар сафидан жой олди. Аёллар ўртасидаги баҳсда 47-, 31-, 25-умумтаълим мактаблари ходимлари Нодира Ҳалимова, Моҳина Камолова, Зитора Ҳақимова пешқадамлик қилишди.

Голиблар веломарфониинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Ботир ХОЛҲАЯРОВ, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд туман кенгаши раиси

Бухоро тумани марказида веломарфониинг 2-босқич мусобақалари ўтказилди.

Пешқадамликни кўлга киритиш учун ҳар бир ҳаваскор велоспортчи маҳоратини ишга солди. Ҳақамларнинг якуний ҳулосаларига кўра, 25-35 ёшлилар ўртасида тумандаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Қозим Болтаев ва 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нодира Собирова биринчи ўринни эгаллади.

ституту) «Энг фаол ташкилотчи» дея эътироф этилди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан тизимга тегишли ташкилотлар ходимлари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди.

Унда 21 ташкилотдан 340 га яқин ходим волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича ўзаро куч синашди. Волейбол баҳсларида 15-умумтаълим мактаби, стритболда 2-умумтаълим мактаби жамоалари 1-ўринни эгаллади. Стол тенниси бўйича аёллар ўртасида 9-умумтаълим мактаби вакиласи Камола Тўлаганова, эркеклар баҳсида 14-умумтаълим мактаби вакили Азиз Низомовнинг кўли баланд келди.

Шахмат баҳсларида 13-умумтаълим мактаби ходимлари Шаҳноза Боймуродова ҳамда Исомурод Сулаймонов зафар қучдилар. Шашкада Гавҳар Мирзахождева (15-умумтаълим мактаби) ва Зокир Маъмуров (12-умумтаълим мактаби)га биринчилик насиб этди.

Голибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Яккабоғ туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 75-умумтаълим мактабида «Спорт — саломатлик гарови» широри остида мусобақалар ташкил этилди. Унда худудлардан голиб чиққан жамоалар спортнинг олтинга тури бўйича қизгин мусобақалашди.

Волейбол баҳсларида 2-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, шахмат мусобақасида 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Қиёмов, хотин-қизлардан Марҳабо Уринова биринчиликни кўлга киритди.

Енгил атлетика мусобақаларида 21-умумтаълим мактаби жамоаси азёоси Ҳамидова, стол теннисида эса Яккабоғ қтисодиёт коллежи ўқитувчиси Хўжаниёзов, аёллардан 21-умумтаълим мактаби ходимаси Кунсулв Ҳамидова голиб чиқди.

Арқон тортиш беллашувларида 75-умумтаълим мактаби жамоаси кучли эканликларини исботлашди. Шашка бўйича И.Шукророва, А.Қаримова бош мукофотга эга чиқшди. Голиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Спорт тадбири девяри барча бошлангич ташкилотлари, таълим муассасаларимизда бўлиб ўтди: — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши раиси Алишер Хонназаров. — Худудларда сараланганлар бугун яна ўзларини кўрсатишди. Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавий турларини ривожлантиришга бундан бўён ҳам ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

35 ёш ва ундан катталарнинг 5 км. масофада олиб борган курашларида ҳам Таълим, фан ва маданият ходимлари вакиллари Отажон Бердиев ва Гулноз Чориева энг юқори натижага эришди.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

«Касаба-тур» анъанавий веломарфониининг ҳар бир босқичи минг-минглаб велоҳаваскорларни ўз сафига тортмоқда. Бу эса, шунча ходимнинг саломатлиги мустаҳкамланди, деганидир.

Наманган туманидаги тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Якунга кура, 1-ўринни 20-35 ёшли бўлган аёллар ўртасида Шошилич тиббий ёрдам ҳамшираси Замира Алишерова, 20-35 ёшли эркеклар ўртасида Теракўрғон тез ёрдам бўлими фелдшери Музаффар Ибрагимов, 35 ёшдан катта ёшдагилар ўртасида Бешкапа КВП ҳамшираси Одина Қосимова, Теракўрғон тез ёрдам бўлими фелдшери Шарифжон Фойибов эгаллади.

Содиқжон ИБРОХИМОВ, Наманган туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Барча мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, «Энг ёши улуг пойгачи», «Энг маҳоратли пойгачи», «Фалабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш пойгачи», «Энг фаол аёл пойгачи» номинициялари голиблари аниқланди.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xetlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Reklama va e'lonlar - 256-87-73. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Navoiy - (+998-93) 313-86-87. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-90) 910-54-05. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01.

Navbatchi muharrir: A.Toshev. Navbatchi: A.Arslonov. Musahhih: S.Haydarov. Sahifalovchi: H.Abdujalilov. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi chop etiladi. Korxonasi manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonchning» Kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hojmi 2 bosma taboq. Buyurtma G - 515. 20829 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133.